

ҚОШҚАЙРОН МФЙДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги ПҚ92-сонли қарорининг 5-банди ижросини таъминлаш мақсадида, 1+10 лойихаси бўйича Қошқайрон маҳалла фуқаролар йиғинида Дехқонобод, Зар-Ариқ ва Хўжа-Илғор маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаол нуронийлар ва ёшлари иштирокида “Ибрат мактаби” мавзусида давра сұхбати ўтказилди. Давра сұхбатида, Фарғона вилояти Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Нуроний жамоатчилик Кенгаши раиси Зокиржон Раҳмонов ва Кексалар бўйича бош мутахассис Ёрбек Тиллабоев ҳамда Риштон тумани Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Муқаддасхон Бекмирзаева ва унинг кексалар бўйича ўринбосари Турсунхужа Абдураҳмоновлар иштирок этишди. Давра сұхбатида, Нуроний жамоатчилик Кенгаши раиси Зокиржон Раҳмонов томонидан бугунги кунда ёшлар тарбиясига қаратилган қарорнинг мазмун моҳиятини иштирокчиларга таништирган ҳолда давлатимиз рахбари томонидан ёшларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар ва қулайликлар ҳусусида тўхталиб, эндиликда 1+10 лойихаси асосида кексаларимиз томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар билан таништириди. Сұхбат давомида, юқорида номлари келтирилган маҳалла фуқаролар йиғинидан ташриф буюрган нуронийлар бугунги кунда кексаларнинг ўғитлар ёшлар ҳаёти учун не чоғли муҳимлиги, агар келгусида кексалар фаоллиги ва уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топиши йўлида маслаҳатчи бўлсалар, ушбу ёшлар билиб-бilmай жиноят кўчасига кирмасликлари ва фақатгина яхшилик учун олдинга интилишлари борасида фикр алмашдилар. Давра сұхбатида иштирокчилар томонидан турли мазмундаги фикрлар билдирилиб келгусида амалга оширилиши лозим бўлган масалалар юзасидан келишиб олинди.

2022-02-16 14:44:41